# Хабар

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 23 январь № 3 (283) • Сотувда нархи эркин


## ИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ ДАВР ТАҚОЗОСИДИР

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида 1997 йил иш якунлари ва 1998 йилда тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.**

Агентлик Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев маърузасида ва бошқа ҳайъат аъзолари, акционерлик компаниялари, алоқа корхоналари раҳбарлари чиқишларида ўтган йилдаги таркибий ўзгариш-янгиликлар бошқарувни қайта қуришда муҳим босқич бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июль ҳамда ҳукуматнинг 1997 йил 31 июль қарорига кўра Алоқа вазирлиги негизида почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинди. «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акционерлик компаниялари ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси тузилди. Электралоқа ҳамда почта алоқа корхоналарида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш чора-тадбирлари ўтказилиб, ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилинди, бу янги таркибий тузилмаларни бошқариш органлари тузилди. Агентлик, акционерлик компания ва ҳиссадорлик жамиятлари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган янги вазифаларни бажаришга киришди.

Ўтган 1997 йили алоқа корхоналари 17,5 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатишди, жумладан аҳолига кўрсатилган хизмат 3,3 миллиард сўмни ташкил этди. Тармоқда зарар кўриб ишлайдиган корхоналар йўқ. Самарадорлик 38 фоизни ташкил қилди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида 198 минг рақамга мўлжалланган янги, рақамли АТСлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистрали лойиҳаси бўйича «Алоқаинвест» ҲЖ ва «Шаҳарлараро-алоқақурилиш» ҲЖ қурувчилари 921 километрга кабель ётқизишди, 800 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Почта алоқасида бир қадар барқарорлашув жараёни кечди. Ўтган йили алоқа соҳасида фаолият кўрсатиш учун 148 та лицензия берилди, улардан қай тарзда фойдаланилаётганлиги текширувдан ўтказилди. 1997 йили саноат корхоналари («Алоқа ДЭУ», «Алоқасаноат» ҲЖ) бир миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлади, жумладан 23 миллион сўмлик маҳсулот экспортга чиқарилди. Мана шу маҳсулотларнинг 90 фоизи «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонаси зиммасига тўғри келади. Асосий телефон аппаратларининг ўсиши 12,8 минг донани ташкил қилди.

Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда сармоя жалб қилиш ишлари давом эттирилди. Уяли алоқа бўйича бешта янги корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг иккитаси тўлиқ хорижий сармоя ҳисобига ишламоқда. Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах электралоқа корхоналари негизида Индонезиянинг «Бакри Коммюникейшнс Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузилди. OECF япон кредити асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари телефон тармоқларини ривожлантириш ишлари бошланди. Шаҳарлараро ва халқаро алоқани равнақ топтириш мақсадида «УДИНЕТ» қўшма корхонаси ташкил этилди. Тошкент электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежи ўз олдиларига қўйилган дастурларни бажаришга эришдилар, чет эл ўқув марказларида юз нафардан ортиқ алоқачи мутахассислар малакасини ошириб қайтишди.

Йиғилишда бу каби далилий рақамларни агентлик раҳбари маърузасида эмас, балки ҳайъат йиғилиши иштирокчилари айтишди. Мана шундан ҳам янгича ишлаш услубини сезиш мумкин, яъни агентлик энди хўжалик ва ишлаб чиқариш масалалари билан ўралашиб қолмасдан, ҳақиқий маънода соҳа ишини бошқариш, йўналтириш, мувофиқлаштириш билан шуғулланаётир. Аммо ҳайъат йиғилишида бу борада ҳам камчиликлар борлиги айтиб ўтилди. Почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналарни тўлиқ зарур меъёрий ҳужжатлар билан таъминлай олмаяпти. Жумладан, алоқа хизмати истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш, турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ўзаро ҳаракати, рақамли техника, хорижий сармоядан самарали фойдаланиш бўйича тегишли ҳужжатлар етарли эмас. Ҳукуматнинг 1995 йили қабул қилинган, «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантириш Миллий дастури» қарорининг биринчи босқичда бажарилиши кўзда тутилган ишларда сусткашликка йўл қўйилди. Почта алоқасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстиришга эриша олинмаяпти. Ваҳоланки, почта корхоналари замонавий компьютерлар, автоуловлар билан таъминланганига қарамасдан иш самарадорлиги кўзда тутилганидек эмас. Корхоналарнинг молиявий аҳволи, айниқса «Маҳаллий телеком» акционерлик компаниясига қарашли электралоқа корхоналарида дебитор қарзларнинг кўплиги боис оғирлашмоқда. Бу қарзлар икки миллиард сўмни ташкил қилади, уларни ундириш борасида акционерлик компаниялари ва жамиятлари зарур чораларни ўз вақтида кўрмаяпти. Шу боис ҳам тўловлар бўйича баъзи мажбуриятлар бажарилмасдан қолмоқда.

Ҳайъат йиғилишида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Аммо бу борада иқтисодий самара сезилмаяпти. Жорий қилинган янги техникаларнинг қўшимча хизматларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Маҳаллий телефон тармоқларининг сифатсиз иши тўғрисида ҳамон кўплаб шикоятлар тушмоқда. Барча шикоятларнинг 57 фоизи маҳаллий телефон тармоқларига тааллуқлидир. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси бўйича шикоятлар сони кўпайди.

Йиғилишда радио ва телевидение корхоналари раҳбарлари ишига танқидий баҳо берилди. Мазкур корхоналарнинг техник ҳолати эски жиҳозларни янгисига алмаштириш, моддий техникавий базани мустаҳкамлашни талаб қилмоқда. Ҳукумат топшириғи бўлишига қарамай, радио ва телевидение воситаларини такомиллаштириш борасида тайёрланаётган концепция ниҳоясига етказилмаяпти, мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг янги йўллари ҳалигача топилмаяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароити муаммоларни ҳал қилишда янгича ёндошувни, замонавий чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бунга ўрганиш вақти аллақачон етди.

Ҳайъатда акционерлик компаниялари, жамиятлари, корхоналари раҳбарлари иштирокида ишчан бир вазиятда соҳада тўпланиб қолган муаммолар муҳокама қилинди. Бу борада аниқ таклифлар билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда 1998 йилда агентлик, компаниялар ва алоқа корхоналари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар Мажмуи кўриб чиқилди. Жумладан, жорий йилда хорижий сармоядан фойдаланиш, янги танловлар ўтказиш, жаҳон телекоммуникация бозорини ўрганишга жиддий эътибор берилади. ТОЕ қурилишининг иккинчи босқичи бўйича бунёдкорлик ишлари давом эттирилади. Оролбўйи минтақасида OECF япон кредити асосида олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайтирилади, «Ўзбектелеком Интернейшнл ҲЖ» Ўзбек-Индонезия қўшма корхонаси ўз сармоя дастурини бажаришга тўла қувват билан киришади. Умуман, жорий йилда республика аҳолиси ва халқ хўжалигига алоқа хизмати кўрсатилишида сезиларли ўсишлар бўлиши кутилмоқда. Хуллас, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш сиёсати изчил олиб борилади. Янги тарифлар ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш каби кўплаб ишлар почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан келишилган ҳолда олиб борилади.

Тўғри, бошқаришнинг янги, замонавий усулларига бирданига ўтиш оғир кечади. Аммо бу ҳаётий эҳтиёждир. Ҳозирда бу борада оз бўлса-да тажриба тўпланганлиги, алоқа корхоналарига ёш, қобилиятли раҳбар-мутахассислар келганлиги мақсадга эришиш имкони борлигини кўрсатади, кишида умид уйғотади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича Т. Раҳимов, Т. Назаржонов, К. Кановолов, Ғ. Зиёев, Р. Исаев, Ф. Сувоновлар сўзга чиқишди. Ҳайъат ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Р. Раҳимов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Ҳайъат йиғилишидан сўнг ўтказилган кенгашда бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Унда В. Штейнберг, М. Маҳмудов, Ш. Обидхўжаев, М. Холмуротова, Р. Зикиров, Ш. Юнусов, С. Акбаров, М. Зоҳидов, К. Боқиев, Н. Норқулов каби раҳбарлар ахборот беришди.

***Муборак Рамазон ойида Тошкент Алоқа коллежида яна бир савоб ишга қўл урилди. Узоқ йиллар коллеж директори бўлиб ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, алоқа устаси, ажойиб инсон, раҳматли Эркин Иқболович Нуриддинов хотирасига бағишланган йиғилиш ва у кишининг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда алоқа корхоналари раҳбарлари, коллеж ўқитувчи ва талабалари ҳамда Эркин Нуриддиновнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари қатнашишди.***

## *САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК*

Йиғилишни коллеж директори Саидмаҳмуд Акбаров олиб борди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов, алоқачи мутахассислар А. Н. Кудинов, В. С. Ермеева ўз ҳамкасблари Эркин Иқболовичнинг инсоний фазилатлари, алоқа соҳаси учун мутахассислар тайёрлашдаги улкан хизматлари ҳақида гапиришди. Шунингдек, Й. Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти директори Турсуной Умарова, раҳматли Эркин аканинг дўстлари Мақсуд Абдуллаев, фарғоналик Баҳодир Фармонов, коллеж талабалари Дилмурод Қосимов, Надя Ким талабчан раҳбар, содиқ дўст, меҳрибон устознинг ажойиб фазилатларини ёдга олишди.

Йиғилиш сўнггида Эркин Нуриддиновнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолиятига бағишлаб суратга олинган «Хотира» номли кўрсатув намойиш этилди. У кишининг руҳларини шод этиш мақсадида хатми қуръон ўқилиб, тиловат қилинди.

Худди шу куни Алоқа коллежида Эркин Нуриддиновнинг ибратли ҳаёт йўли билан ёш авлодни таништириш мақсадида раҳматлига аталган музей очилди. Музейдан у киши тўғрисидаги хотиралар, ҳужжатли материаллар ўрин олган.

Қадимдан ота-боболаримиз ўтганлар ёдини абадийлаштириш йўлида кўплаб ибратли ишларни амалга оширишган, савобли юмушни ҳар нарсадан устун қўйишган. Тошкент Алоқа коллежида ўтказилган хайрли тадбир маънавий, тарбиявий жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

***Абдуғани АБДУРАСУЛ ўғли***

## АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

***«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг таъсис анжумани ўтказилди. Уни «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси Бош директори Т. Ғ. Раҳимов бошқарди.***

Анжуманда очиқ овоз бериш йўли билан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акционерлик жамияти Низоми қабул қилинди. Шунингдек, Кузатув кенгаши дирекцияси, Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомлар тасдиқланди. 9 кишидан иборат кузатув кенгаши, ҳамда 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланди. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акционерлик жамияти бош директори этиб Ш. Одилов сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев қатнашиб, нутқ сўзлади.

***Ўз мухбиримиз***

*«Тошкент почтаси» корхонасининг «Тошкент почтамти» акционерлик жамиятига айлантирилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу боис ҳам ушбу акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ўз корхоналарининг янги йўналишдаги ҳар бир қадамига қизиқиш билан қарашмоқда. Жамиятдаги 161 та алоқа бўлимида 650 нафар почтачилар меҳнат қилишади. Тошкент шаҳрига бир кунда 13 минг дона хат-хабар келиб, жойларга 8 — 10 минг дона хат-хабар жўнатилади. Биргина мана шу рақамнинг ўзидан ҳам тошкентлик почтачилар зиммасига қанчалик масъулиятли вазифа юклатилганлигини билиш мумкин. Яқинда мазкур корхонада бўлиб, «Тошкент почтамти» акционерлик жамияти директорининг биринчи ўринбосари Комилжон АЛИМОВ билан суҳбатлашдик.*

# «ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ»: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА...

**— Комилжон Одилович, суҳбатимизни акционерлик жамиятининг ўтган йилги иш якунларидан бошласак.**

— Бажонидил. Ўтган йили барча режаларимизни ортиғи билан бажардик. Энг муҳими — сифат санкциясини 70 фоизга камайтирдик. Маълумки, барча почта корхоналарида транспорт муаммоси бор. Биз 143-автосарой билан шартнома асосида ҳамкорлик қиламиз. Улардан автоуловлар олиб, почта ташишда фойдаланяпмиз. Ўтган йили жамиятимиз янги 18 та автомобиль сотиб олди. Натижада транспорт харажатларидан 5 миллион сўм тежаб қолинди.

Ўтган йили 161 та алоқа бўлимларида обуна қабул қилинди. Жорий йил учун обуна режаси газеталар бўйича 108, журналлар бўйича 150 фоизга бажарилди.

**— Асосий муаммолар нималардан иборат?**

— Юқорида айтиб ўтганимдек, почта соҳасининг асосий муаммоларидан бири — транспорт ва ҳар томонлама етук мутахассис-ходимларнинг етишмаслигидир. Айни пайтда биз ҳалиям 143-автосаройнинг 15 та автомобилидан фойдаланяпмиз. Мавриди келганда, ёлланган автоуловлардан воз кечамиз. Аммо унгача бу имкониятдан оқилона фойдаланишга тўғри келади.

Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкентда кўплаб қўшма корхона, фирма, корхона ва ташкилотлар бор, уларнинг сафи кундан-кунга ортиб бормокда. Хориждан уларнинг номига бошқа тилларда битилган кўплаб хат-хабарлар келади. Почтачиларимизнинг кўпчилиги эса 9 — 11 синф маълумотига эга. Олдимизда кўндаланг турган муаммоларнинг бир илдизи мана шунга бориб тақалади. 9 — 11 синф маълмуотига эга бўлган почта ходими, масалан, манзили инглиз тилида ёзилган мактубни қандай ўқий олади ва эгасига етказади? Ўтган йилда мана шундай муаммога дуч келдик. Шу боис, бошқа тилда битилган хатларнинг манзилини кирилл ҳарфларида ёзиб, сўнгра алоқа бўлимларига юбордик. Агар шундай қилмасак, мазкур хатлар эгаларини кутиб, ойлаб, ҳатто йиллаб алоқа бўлимида ётаверади. Бунга яна бир сабаб — янги ташкил қилинган корхоналарнинг манзиллари аниқ эмас. Бу ҳақда матбуот орқали корхона ва ташкилотларга мурожаат қилдик. Аммо натижа кўнгилдагидек эмас. Қани энди барча қўшма корхона, фирма, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўз корхоналарининг манзилгоҳи ўзгарганда бу ҳақда тез-тез матбуот орқали эълон бериб боришса...

Яна бир муаммо маркалар билан таъминлашда сезиляпти. Шу сабабли ҳам мижозларимиз 500 дона марка сўрашганда биз уларга зўрға 100 дона марка берамиз. Жорий йилда масъул идоралар билан ушбу муаммо чорасини топамиз деб ўйлайман.

**— Узр, Комилжон ака, шу ўринда гапингизни бўламан. Беш бармоқ тенг эмаслиги барчага маълум ҳақиқат. Биз журналистлар хизмат сафарига чиққанмизда одамлар почтачилар хизматидан нолиб қолишади?**

— Саволингиз ўринли. Хизматимизга эътироз билдириб туришади. Мен буни табиий ҳол деб ўйлайман. Орамизда зийрак, талабчан инсонлар борлиги учун ҳам ишимиз ривожланади. Бефарқ, лоқайд кимсалардан яратганнинг ўзи асрасин. Ана шундай кимсалар туфайли кўпчилик озор чекади, овораю-сарсон бўлади. Бу борада 1997 йили корхона ва аҳоли томонидан жамиятимизга 115 маротаба мурожаат бўлди. Шундан 17 та шикоятдаги камчиликларга ҳақиқатдан ҳам ходимларимизнинг айби билан йўл қўйилган. Акционерлик жамиятимизнинг 57, 187, 212-алоқа бўлимлари оқсамоқда. Улар аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсата олишмади. Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи ва суғурта почта участкасининг хизмати эса мақтовга арзигуликдир.

**— Инсон манфаатлари йилида ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қандай йўлга қўйилди?**

— Ишчи-хизматчиларимизга ҳар ойда иш ҳақидан ташқари 40 фоизгача мукофот пули, овқат пули, йўл чипталари берилди. Шунингдек, уларнинг соғликларини тиклаш ва дам олишлари учун санаторий-курортларга йўлланма ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, почтачиларга махсус иш кийимлари олиш учун ёрдам пуллари берилди. Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш каби ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

**— Бу йилги режалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Акционерлик жамияти сифатида жорий йилда ўз акциямизни чиқарамиз. Унинг 10 фоизи ўз ходимларимизга сотилса, қолган 15 фоизи эркин савдога қўйилади. Барча алоқа бўлимларига компьютер ўрнатиш ҳамда 15 дона «ДАМАС» русумли автомобиллари сотиб олишни режалаштирганмиз. Алоқа бўлимларини тўлиқ компьютерлаштирсак, эски «Онега», «Ким» каби касса аппаратларидан қутуламиз. Бир кунлик кирим-чиқим, қайси хил хизматдан қанча даромад олингани каби ҳисоб-китобларни бир зумда замонавий компьютер ёрдамида билиб олиш имконига эга бўламиз. Ана шунда турли қоғозбозликка чек қўйилади. Шунингдек, почта хизматининг янги турларини, масалан экспресс, курьер, электрон почта кабиларни жорий қилиш, алоқа бўлимларида ҳар хил халқ истеъмоли маҳсулотлари сотишни мўлжаллаяпмиз.

Аҳоли ва ташкилотларга намунали алоқа хизмати кўрсатиш доимо олдимиздаги энг муҳим вазифа бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу борада бутун куч ва имкониятлардан унумли фойдаланишимиз зарурдир.

***А. АБДУРАҲМОНОВ* суҳбатлашди**

---

• *Муносабат*

# ЛОҚАЙДЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

«Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори Раҳимжон ака Турғуновнинг яхши бир одати бор. Кундалик газеталарни канда қилмай синчиклаб кузатиб боради. Ҳар гал учрашганимизда гап мавзусини албатта «Хабар»га буради. «Фалон мақолани ўқидим, зўр чиқибди. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?» дея мени ҳам ўйлашга чорлаб туради. Бу сафарги суҳбатимиз ҳам айнан шу хилда кечди.

— «Мухбирга чап берманг!» мақоласи маъқул бўлди, — деди газетани қўлига ола туриб Раҳимжон ака. — Шунақа мақолалар билан айрим мудроқ келбатдаги кишиларга ниш уриб турилса, фойдаси албатта бўлади. Бефарқлик, лоқайдлик ҳеч кимга обрў келтирмаган.

Раҳимжон ака мақолага яна бир бор назар солди-да, қўшиб қўйди:

— Лекин мақолага эътирозларим ҳам йўқ эмас. Тўғри, ундаги гаплар Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларига тегишли. Буни тўғри тушунаман. Аммо мухбирнинг «электралоқа корхоналари бошлиқлари мухбир билан учрашишга, унга баҳоли қудрат ёрдам беришга вақт топадилару, нега почтачилар топа олмайдилар» деган эътирозлари бизга ҳам тегиб кетди. Бу билан мен муаллифдан ўпкаламоқчи эмасман, асло. Фақат шу хилдаги мақолалар ёзилганда 2-3 та вилоят миқёсида почта раҳбарлари устидан хулоса чиқариб қўйилмаса.

Юқоридаги суҳбат баҳона ҳамкасбим Т. Лутфуллаевнинг мақоласига яна бир бор кўз югуртираман. Унда айтилишича, баъзи вилоятлардаги почта корхонаси раҳбарларининг тармоқ газетасига муносабати яхши эмас. Шундоғам ҳар дақиқаси ҳисобли бўлган журналистларни овора қилиш ҳолатлари билан сира чиқишиб бўлмайди.

Республикамизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ролини оширишга катта эътибор берилаётган бир паллада мақолада тилга олинган раҳбарларнинг тармоқ газетасига бўлган бу қадар лоқайдлиги мени ҳам таажжубга солди.

—Кези келганда айтиб қўяй — «Хабар»нинг йилдан-йилга мухлислари ортиб боряпти. Сўзимнинг исботи — бу йил «Хабар»га нафақат алоқачилар, балки юзлаб, минглаб бошқа соҳа кишилари ҳам ёзилишди. Бу севимли газетамиз тобора ўз ўқувчиси, ўз мухлисига эга бўлиб бораётганидан далолатдир.

Айнан Раҳимжон аканинг эътирозларига келсак, ҳақ томонлари бор албатта. Мисол учун мен «Хабар»нинг Наманган вилояти бўйича мухбири сифатида иш бошлаганимга қарийб бир йил бўлган бўлса, у киши ҳамиша мен билан суҳбатлашишга имкон топади, зарур маълумотларни олишга ёрдам беради. Ҳатто бир гал «Аҳмаджон, ишимиз фақат мақтовдан иборат бўлиб қоляпти чоғи» дея шаъма қилганлари эсимда. Бундай раҳбарлар билан ишлаш ҳам, гурунглашиш ҳам мароқли. Қани энди ҳаммаям Раҳимжон акадек бўлса. Вилоятнинг Чортоқ, Уйчи, Норин, Чуст туманлари почта алоқа боғламалари бошлиқларини ҳам ана шундай инсонлар сирасига қўшиш мумкин.

Тилагим — юқоридаги каби таъсирчан материаллар газета саҳифаларидан кўпроқ ўрин олса, балки шунда лоқайд, безътибор раҳбар акахонларимиз мухбирларга чап беришдан воз кечишармиди?!

***Аҳмаджон ТЎЙЧИБОЕВ,*
*Наманган вилояти***

---

# НИЗОМ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

«Тошкент телеком» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Уни «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси Бош директори Т. Ғ. Раҳимов бошқариб, нутқ сўзлади.

Анжуманда очиқ овоз бериш йўли билан «Тошкент телеком» акционерлик жамияти Низоми қабул қилинди. Шунингдек, Кузатув Кенгаши дирекцияси, Мандат ва Тафтиш комиссияси ҳақидаги низомлар тасдиқланди. 9 кишидан иборат Кузатув Кенгаши ҳамда 3 кишидан иборат Тафтиш комиссйяси сайланди. «Тошкент телеком» акционерлик жамияти бош директори этиб бир овоздан М. Сиддиқов сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржонов ҳамда бошқа идоралардан мутахассислар иштирок этишди.

***Мурод НАЗИРОВ,*
*жамоатчи мухбиримиз,*
*Тошкент вилояти***

---

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Қашқадарё телеком» шуъба корхонасининг Чироқчи тумани филиали электромантўрлари — **Нормурод БОЙСАРИЕВ, Ғайрат ТУРОНОВ, Эшпўлат МАМАНОВЛАРНИ** туғилган кунлари билан табриклаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

***Корхона жамоаси***

* * *

«Сурхондарё почтаси» акциядорлар жамияти жамоаси жамият директорининг ўринбосари **Ҳасан Файзуллаевич БЕРДИМУРОДОВНИ** туғилган куни билан табриклаб, унга соғлик, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

---

# ТЎЙХАТ ЎРНИДА

***Ҳурматли устозимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент электротехника Алоқа институтининг кафедра мудири Абдулла Ғуломович Абдунабиев 70 ёшга тўлди.***



Абдулла Абдунабиев 1950 йили Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетини тугатганидан сўнг партия тарихи институти қошидаги аспирантурада ўқиди. 1953 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Илмий изланишларини давом эттириб, 1971 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Меҳнат фаолияти ҳам энди илмий изланишларига монанд бўлади. А. Абдунабиев Сирдарё педагогика институтининг асосчиси ва биринчи ректоридир. У 1971 — 1983 йиллари Олий партия мактабида кафедра мудири вазифасида ишлади, 1983 йилдан Тошкент электротехника Алоқа институтининг Ўзбекистон тарихи кафедрасини бошқармоқда.

Ўз фаолияти давомида А. Абдунабиев 10 та монография, 20 дан ортиқ рисола, 150 дан зиёд илмий мақолаларини чоп эттирди. Асарлари бир қатор мамлакатларда, хорижий тилларда ҳам нашр этилди. Республикамиз ва қўшни давлатларнинг турли жойларига ТЭАИни тугатиб кетган минглаб мутахассислар Абдулла акани мураббийлари деб биладилар. Улардан 18 нафари бевосита унинг раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

Алоқа институти жамоаси орасида А. Абдунабиевнинг ўз ўрни бор. Сўнгги йилларда кафедра аъзоларидан тўрт нафари номзодлик илмий унвонларига эришди, алоқа тарихига оид йирик тадқиқот асари, ўнлаб илмий-методик қўлланмалар ва курс концепцияси яратилди, замонавий ўқитиш тизими ва услублари жорий этилди. Домлани гоҳ талабалар ётоқхоналаридаги маърифий тадбирларда, гоҳ услубият аудиторияларида, гоҳ жамоа йиғилишларида учратиш мумкин. Бевосита домланинг раҳбарлиги ва жонкуярлигида ТЭАИ қошида алоқа тарихи музейининг очилиши ҳам қувонарли воқеа бўлган эди.

Талабчан ва меҳрибон, эл назарига тушган муҳтарам устозимизга бугунги қувончли кунда «ҳорманг домла» деймиз ҳамда унга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият, оилавий хотиржамлик, ва илмий, маънавий, маърифий ишларида янги зафарлар тилаймиз.

***ТЭАИ жамоаси***

---

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси Норхон Раимовага отаси **Раззоқ РАИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


# ЭЪЛОН

***«Хабар» кичик корхонаси Тошкентдаги омбордан КАРТ-П русумли радиоузайтиргичларни (радиоудлинитель, Белоруссия маҳсулоти) сотади ва мижозлар хоҳишига кўра ўрнатиб беради. Кафолати бир йил. Нархи ва тўлов тарзи келишилган ҳолда.***

***Боғланиш учун телефонлар:***
***(371) 116-63-71,***
***(37197) 52-6-53.***

• Турмуш чорраҳаларида

# СЕВГИНИНГ УВОЛИ

***Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида увол сўзининг маъноси товланишлари шундай тушунтирилади: 1. Айб, гуноҳ. 2. Фойдасиз ёки бевақт йўқ бўлиш, йўқолиш, нест-нобуд. 3. Бировга озор бермайдиган, зиён етказмайдиган, ювош, заиф. 4. Оғир, қийин, аянчли.***

Тилимизнинг нақадар бой, имкониятлари чексиз эканлигини ана шу сўз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Эътиборингизни яна бир карра юқоридаги увол сўзига қаратар эканман, қуйида сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган воқеа, моҳиятини ушбу биргина сўз нақадар теран ифода қилишини англадим. Тўғри, бир қарашда севгининг уволи дейиш андак ғалати, ғайритабиий туюлади. Кундалик ҳаётда бу сўз кўпроқ моддий ноз-неъматларга, айтайлик, нонга нисбатан ишлатилади. Биз эсак энг олижаноб, энг қудратли, бетакрор, бебаҳо инсоний туйғу — севги-муҳаббат ҳақида гапирмоқчимиз. Зеро шоир лутф этганидек,

**Йўлин йўқотса одам —**
**муҳаббатга суянгай,**
**Ғуссага ботса одам —**
**муҳаббатга суянгай.**

... Улар болаликдан бирга ўсиб, улғайишди. Мактабда ҳам бир синфда ўқишди. Эс тортиб, балоғат остонасига қадам қўйишгач, беғубор муносабатлар ҳам андак теранлашиб, жиддийлашгандек бўлди. Қиз ҳам, йигит ҳам мактабда яхши ўқишар, аълочиларнинг сардори эдилар. Бу ҳам гўё уларнинг ўзаро яқинлигига бир омилдек эди. У даврда аълочи ўқувчилар мактабда қандайдир бир алоҳида нуфузга, обрў-эътиборга эга эди. Аълочилар мактабнинг чинакам фахри ҳисобланарди, ҳамма уларга ҳавас билан қарарди.

Соф, қулай муҳитда севги ҳам тез улғаяди. Одатда сал нарса, андак ножўя хатти-ҳаракат боис ҳар хил гап-сўзлар, миш-мишлар кўпайиб кетадиган қишлоқ шароитида одамлар ҳам уларнинг муносабатларидаги илиқликка кўникиб қолгандек эди. Сабаби — уларнинг ўзаро муносабатлари жуда самимий эди. Улар ҳар жиҳатдан бир-бирига муносиб эдилар. Тўғри, улар ҳеч қачон бир-бирига севги изҳор этиб, аҳду-паймон қилишмаган, муҳаббат деган сўзнинг қадрини баланд тутишган. Ўзаро ишонч кучли эди, келажакдаги ҳаётларини бир-бирисиз тасаввур этишолмасди.

Ниҳоят, мактабни битиришгач, йигит пойтахтга, қиз вилоят марказига ўқишга кетдилар. Ҳар иккиси ҳам талаба бўлишди. Хат ёзишиб, таътилда кўришиб турдилар. Йиллар ўтди. Негадир хатлар сийраклашиб қолди, ахийри тўхтади. Уларнинг муҳаббати ҳам жиддий ҳаётий синовдан ўтмоқда эди.

Меҳр кўзда, кўздан нари — меҳрдан нари, дейдилар. Қолаверса, фарзандининг бахти, порлоқ келажагидан кўра юксакроқ орзу-ҳаваси бўлмаган ота-онанинг жайдари фалсафасига кўра, қиз бола — эртапишар мева, бировнинг ҳасми. Уни тезроқ эгасига топшириб, қутилган маъқул.

Хуллас, қизнинг отаси каттагина бир амалдор қариндоши билан қуда бўлади, қуёв ҳам шаҳарда ўсиб-улғайган, сочлари жингалак, келишган йигит эди.

Карнай-сурнай билан тантанавор тўй бўлаётганда қаҳрамонимиз — дунё кўзига қоронғу кўринган йигит кўкрагини захга босиб, Шералининг қўшиғини эшитарди.

***Бу кеч қўшни чорбоққа,***
***Келин тушди ёр-ёр.***
***Иложим йўқ бормоққа,***
***Кўникаман зор-зор.***

Ҳамма нарсанинг давоси — вақт дейдилар. Аммо йигитнинг дардини йиллар шамоли ҳам аритолмади. «Бевафолар яшасин бу дунёда» дея ичкиликка берилди. Бир неча йил ўтгач, ноилож уйланди. Кўнгилсиз турмушдан дили ёришмай, хотини билан ажралди. «Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам» дея чўлга кўчиб кетди... Уни зор-зор қақшатиб, отаси топган амалдорнинг ўғлига тегиб кетган қизнинг ҳам бахти очилмади. Эри бетайинроқ енгилтакроқ чиқди. Турмушида ҳаловат бўлмади. Уруш-жанжал кўпайди. Бир неча бор қўйдичиқди бўлдилар.

Ахийри бечора аёл вояга етиб қолган болалари билан маслаҳатлашиб, эрини уйда йўқ деб фараз қиладиган бўлди. Исқирт яшайдиган эрнинг кўрпа-тўшаги, қозон-товоғи алоҳида эди. Аммо бу билан биргина ўзининг эмас, яна уч кишининг бахтига зомин бўлган бевафонинг шахсий ҳаёти туриш-турмушида рўшнолик, ҳаловат бўлмади.

Ҳа, ҳаётда ҳеч нарса изсиз қолмас экан. Севгининг уволи деганда ана шу аламли воқеани ва бундан келиб чиқадиган аччиқ сабоқни назарда тутган эдим.

**Шодмон ОТАБЕК**

• Бу — қизиқ

# ҚЎЛ РАМЗЛАРИ

Инсониятнинг неча минг йиллик тарихига назар ташланса қўл билан боғлиқ рамзий маъноларни кўплаб кўриш мумкин. Жумладан, кўҳналик (архаик) хусусиятига кўра қўл ҳокимият, жамиятдаги юқори мавқе рамзи бўлган: «Ҳаммаси яратганнинг қўлида», «Подшоҳнинг қўл остидаги ерлар» ва ҳакозалар. «У менинг ўнг қўлим», «Қўли калталик қилиб қолди», «Қўли узун — ҳамма нарсага етади» каби жумлаларда қўл рамзининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги ўз аксини топган.

Бир қатор халқларда ўнг ва чап қўл билан бажариладиган ҳаракатлар қатъий чекланган. Масалан, мўғулларнинг тасаввурича, ўнг қўл — «саховатли қўл», фақат шу қўл билангина совға-салом бериш ва олиш, сут соғиш мумкин. Баъзи халқларда чап қўл вазифаси бешикдаёқ чекланган. Жумладан, серблар чақалоқни белаётганда ўнг қўлини чиқариб қўйишган, бу билан у шайтонларни ҳайдайди деб ишонишган.

Мусулмон оламида ўнг қўл ҳалол, покиза ишларни бажариш рамзи бўлгани учун, бу қўл билан сўрашилган. Ҳатто чой, овқат узатиш ҳозиргача ўнг қўл билан бажарилади.

Ўнг ва чап томон кўпгина халқларда турли мифологик ва диний мазмунгина касб этиб қолмай, ижтимоий маънога ҳам эга. Одатда ўнг томон — юқори, чап томон — қуйи мавқени билдиради. Мисол учун, адигейлардан икки киши суҳбатлашиб кетаётганда кичиги каттасининг чап томонида бўлади. Суҳбатдошлар кўпайиб кетишса, манзара бутунлай ўзгаради, энг кичиги катта ёшдаги кишининг ўнг томонида, фақат бир қадам орқада юради ва унинг ўгит, топшириқларини тинглаб боради. Бошқалар унинг чап томонида ёшига қараб бир сафга тизилишади.



*Қиш сурури...*

• Ажаб дунё

## ЯРИМ ТОННАЛИК ОДАМ ҚАЗО ҚИЛДИ

Австралиянинг Брисбан шаҳрида вафот этган семиз кишини уйидан чиқармоқ учун уй деворини бузишга тўғри келди. Юрак хуружидан қазо қилган 28 ёшли Кеннет Лажейнинг жасадини дафн этиш маросимида 13 полициячи, гўрковлар ва бир қанча кўнгиллиларнинг елкалари яра бўлди. Бинодан чиқарилгандан сўнг темир йўл тарозисига элтиб ўлчашганда марҳумнинг оғирлиги 433 кило чиқди.

## ҒАРОЙИБ ТУХУМ

Қуддус шаҳри яқинида яшовчи бир киши товуғининг бу сафарги тухум қўйиши одатий жараёнлардан бири эди, албатта. Лекин соҳиб не кўз билан кўрсинки, товуғи ўзи билмаган ҳолда дунё рекордини ўрнатиб қўйибди. Янги тухумнинг оғирлиги 220 граммни ташкил этди. Одатда товуқ тухуми 50-70 грамм чиқади.

Аввалги рекорд «атиги» 181 граммлик тош босган эди.

## ЛАТИФАЛАР

Бир одам ишхонасига келиб, дўстларига хурсанд бўлиб хитоб қилди:

— Суюнчи беринглар — ўғил кўрдим!

— Табриклаймиз!

— Хотинингиз ҳам роса қувонгандир.

— Йўқ, хотиним ҳали билмайди.

***

Икки одам ўзаро сўкишиб, уришарди:

— Сен эшаксан!

— Сен эса хўтиксан!

Шу маҳал кўчадан ўтиб кетаётган йўловчи уларни муросага чақириб, деди:

— Қўйинглар, уришманглар, икковинглар ҳам яқин қариндош экансизлар!

***

Тунда кетаётган одамни милиция ходими тўхтатиб, сўради:

— Хўш, йўл бўлсин?

— Маъруза эшитгани.

— Ие, қоқ ярим тунда ким маъруза ўқийди?

— Хотиним.

***

— Ойижон, мен қачон туғилганман?

— Тунги соат ўн иккида туғилгансан!

— Сизни уйғотиб юборган бўлсам керак-а?

***

— Эшитдингми, кўп ароқ ичадиганларнинг хотини ташлаб кетаётганмиш.

— Хўш, бунинг учун қанча ичиш керак экан?

***

Икки йўловчи поезд жўнаши олдидан ресторанга кириб, овқатлана бошлашди. Бир маҳал поезднинг жўнаши эълон қилинди. Икковлон шошиб перронга чиқишганда поезд қўзғала бошлаганди. Улардан бири чопиб бориб, аранг вагонга чиқиб олди. Перронда қолиб кетган шериги қотиб-қотиб кула бошлади.

— Қизиқ, нега куляпсиз? — деб сўради ундан станция навбатчиси.

— Поездда мен кетишим керак эди, шеригим мени кузатгани келувди!

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0934. 15218 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

